

- 4.Зарипов И.А. (2016) Исламские финансы как стратегический ориентир развития России. / Zaripov I.A. (2016) Islamic finance as a strategic landmark for the development of Russia. <https://cyberleninka.ru/>.
- 5.Rafik Yunus al-Misri. Fikkh imushchestvennykh otnosheniy. / per. s arab. [Fiqh property relations. / translated from Arabic] / D.Adzhi; redsovet: B.F.Mulyukov and others, - Moskva: Islamskaya kn., 2014. – P. 320.
- 6.Хайдаров Ў.А. "Логистика ва иқтисодиёт" иммий электрон журнали. 2022 йил 1-сон. 362-369- б.
- 7.Benjamin Avanzi, Hayden Lau, Bernard Wong On the optimality of joint periodic and extraordinary dividend strategies//European Journal of Operational Research, Available online 24 April 2021.
- 8.Rodrigo Saens,Tamara Tigero Mandatory dividend rules and the investment decision: The case of Chile//The North American Journal of Economics and Finance Volume 56, April 2021, 101373
- 9.JamesR.Booth, DennisT.Officer,GlennV.Henderson.Commercial bank stocks, interest rates, and systematic risk. // Journal of Economics and Business. Volume 37, Issue-4, December, 1985. Pages 303-310.
10. Vladimir Arčabić (2013). The relationship between the stock market and foreign direct investment in Croatia: Evidence from VAR and Co-integration analysis. Financial theory and practice37 (1) 109-126
11. <https://news.rambler.ru/person/lagard-kristin/>
12. Ҳусусий тармоқни ривожлантириш бўйича Ислом Корпорациясининг статистик маълумотлари
13. <https://icd-ps.org/> сайти маълумотлари асосида ишлаб чиқилди



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РИСКЛАРНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Хамроев Шерзод Ахтамович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
Банк иши ва инвестициялар кафедраси
катта ўқитувчиси,

doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a18

Аннотация. Мақолада тижорат банкларида рискларни мониторинг қилишининг замонавий ҳолатининг таҳлили ўз аксини топган. Шунингдек, банк рисклари ва уларни мониторинг қилиш борасидаги иммий тадқиқот натижалари акс эттирилган. Тижорат банкларида ликвидлилик рискини самарали бошқариш ва мониторинг қилиш элементлари ва уларни эксперт баҳолаш натижалари кўриб чиқилган. Мақолада таҳлил натижаларига кўра, банк рискларини мониторинг қилишга оид таклифлар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: банк рисклари, банк рискларини мониторинг қилиш, тижорат банки, ликвидлилик риски, операцион риск, молиявий барқарорлик.

АНАЛИЗ СОВРЕМЕННОГО СОСТОЯНИЯ МОНИТОРИНГА РИСКА В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

Хамроев Шерзод Ахтамович -
Ташкентский государственный экономический университет,
Старший преподаватель кафедры Банковского дела и инвестиций

Аннотация. В статье отражен анализ современного состояния риск-мониторинга в коммерческих банках. Также отражены результаты научных исследований банковских рисков и их мониторинга. Рассмотрены элементы эффективного управления и мониторинга риска ликвидности в коммерческих банках и результаты их экспертной оценки. В статье по результатам анализа разработаны предложения по мониторингу банковских рисков.

Ключевые слова: банковские риски, мониторинг банковских рисков, коммерческий банк, риск ликвидности, операционный риск, финансовая устойчивость.

ANALYSIS OF THE CURRENT STATE OF RISK MONITORING IN COMMERCIAL BANKS

Khamroev Sherzod Akhtamovich -
Tashkent State University of Economics,
Senior lecturer of the Department of Banking and Investments

Annotation. The article reflects the analysis of the current state of risk monitoring in commercial banks. The results of scientific research of banking risks and their monitoring are also reflected. The elements of effective management and monitoring of liquidity risk in commercial banks and the results of their expert evaluation are considered. Based on the results of the analysis, the article developed proposals for monitoring banking risks.

Key words: banking risks, monitoring of banking risks, commercial bank, liquidity risk, operational risk, financial stability.

Кириш. Жаҳон молия тизимининг глобал ўзгариши шароитида Ўзбекистонда молиявий хизматлар бозорининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш зарурати тобора ошиб бормоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташки-

лоти (OECD) томонидан эълон қилинган “COVID-19 инқирози ва банк тизимининг барқарорлиги” номли ҳисоботида қуйидагилар алоҳида таъкидланди: “...уч йилда дунё миқёсида кенг тарқалган коронавирус пандемияси оқибатида юзасига келган рисклар банкларнинг молиявий бар-

қарорлигига бевосита ўз таъсирини ўтказди. Ушбу пандемиянинг иқтисодий таъсири корпоратив ва уй хўжаликлари қарзлари дефолтларининг кескин ўсишига олиб келди ва бу банкларнинг актив сифатини пасайишига, муаммоли кредитлар (NPL) ҳажмининг сезиларли даражада ошишига олиб келди. Банк активлари сифати ва даромад кўрсаткичларининг бундай ёмонлашуви банкларнинг вақт ўтиши билан банк рискларини камайтириш имкониятини чеклаб қўйиши мумкин” [1]. Бу эса, ўз навбатида, банк рискларини мониторинг қилиш, уларни самарали бошқариш тизимини тартибга солишини такомиллаштириш, тез суръатлар билан ўзгариш бораётган иқтисодий вазиятда банк секторининг молиявий барқарорлик кўрсаткичларини доимий таҳлил этиб бориш орқали ривожланиш сценарийларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, барча банк тизими барқарорлигини таъминлашда рискларни мониторинг қилишнинг замонавий ёндашувларини ишлаб чиқиш дол зарб аҳамиятга эга.

Халқаро амалиёт кўрсатишича, банк рискини бошқариш ва уларни мониторинг қилиб бориш тизимида йўл қўйилган камчиликлар нафақат мамлакат банк тизимининг инқирозли ҳолатининг авж олишига, балки молия бозорининг бошқа сегментларига трансформацияланиши ҳисобига мамлакат миқёсида тизимли рискларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Хусусан, ривожланган давлатлардан бири ҳисобланса-да АҚШ тижорат банклари ва ипотека ташкилотлари томонидан ажратилган кредитлар таркибида муаммоли кредитлар (NPL) салмоғининг асосиз кўпайишига йўл қўйилиши натижасида ишончсиз қарз олувчилар ўртасида кредитни қайтармаслик ҳолатларининг кескин ортишига, молия бозорида ипотека қимматли қофозлари инвестицион жозибадорлигининг шиддат билан пасайишига, пировардида эса Жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг дунё бўйлаб кенгайишига олиб келган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мамлакатимиз олимлари ҳам рисклар, уларни бошқариш, банклар фаолиятида юзага келадиган рисклар ҳақида қатор илмий тадқиқотлар олиб боришган. Жумладан, молиявий рисклар соҳасида илмий изланишлар олиб борган олимлардан профессор Ф.И.Мирзаев томонидан молиявий рисклар молиявий операцияларни амалга ошириш жараёнида юзага келувчи ва молия муассасалари томонидан бартараф этилиши зарур бўлган хавф-хатарлар ҳисобланиши таъкидланган [2].

Рисклар ҳамда айнан “банк рисклари” соҳасидаги етакчи иқтисодчи олимлардан бири – профессор Ш.Абдуллаеванинг фикрича, “банк риски – бу банклар томонидан ўзининг молиявий фаолиятини амалга ошириш вақтида молия-

вий маблағлар (ресурс)дан самарали тарзда фойда олмаслик эҳтимоли (хавф-хатари) келиб чиқсада пировардида ижобий натижага умид қилган ҳолда, банк операцияларини амалга оширишdir, деб таъриф билдирилади[3].

Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш жараёнида молиявий фойда олиш муаммолари ва бу борада юзага келадиган банк рисклари йўналишида самарали илмий тадқиқотлар олиб борган профессор Н.Каримов банкларда фойданни олиш жараёнида молиявий рискларни бошқариш, мониторинг қилиш ва уларни миқдорий пасайтириш борасида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаб ўтади:

- тижорат банклари ўзининг моливий операциялари давомида юқори рискли бўлган молиявий операцияларни юқори таваккалчилик асосида амалга оширмаслиги керак;

- юқори ва ўрта даражали рискларни бошқариш механизми орқали уларнинг рисклилик даражасини пасайтиришни доимий амалга ошириш ва уларни мониторинг қилиб бориш лозим;

- тижорат банклари томонидан малакали мутхассислари (risk manager) томонидан тижорат банки баланси бўйича молиявий рисклар ҳисобини юритиш ва мониторингини доимий амалга ошириб бориш мумкин [4].

Замонавий банк ва менежмент назариясида рискларни мониторинг қилиш таркибини кўриб чиқишига оид бир нечта ёндашувлар мавжуд, улар орасида қуйидагилар мавжуд:

- ахборот-таҳлил тизими сифатида мониторинг;

- назорат шакли сифатида мониторинг;

- мониторинг, унинг изоҳланган параметрлари асосида риск ҳолатини ташхислаш учун комплекс интегратив-индикатив тизим сифатида.

Дастлабки иккита ёндашув асосида рискларни мониторинг қилиш моҳиятини ўрганиш бўйича кўпгина маҳаллий тадқиқотлар ўтказилди. Ушбу мулоҳазани исботлаш учун биз “риск мониторинги” тушунчасини талқин қилиш бўйича бир нечта фикрларни келтириб ўтамиш.

Хусусан, Т.В. Осипенконинг фикрича, рискларни мониторинг қилиш рискларни баҳолашнинг тасдиқланган усуслари талабларига мувофиқ, бошқарув маълумотларини тизимли йиғиши ва мақсадли қайта ишлаш, рискларни баҳолаш динамикасини (салбий динамикани аниқлаш) ва банк фаолиятига таъсир қилиш даражасини аниқлаш асосида рискларни жорий баҳолаш (қайта баҳолаш)дан иборат [5].

О.И. Лаврушин, Н.И. Валенцеванинг фикрича, рискларни мониторинг қилиши - бу рисклилик кўрсаткичларини унинг турлари бўйича мунтазам равиша таҳлил қилиш ва зарур рен-

табелликни сақлаб түришдә рискни минималлаштиришга қаратылған қарорларни қабул қилиш жараёнидір [6].

Ўзбекистоннинг замонавий банк амалиётида “банк рисклари мониторинги” түшүнчесининг аниқ талқини мавжуд эмс. Масалан, иқтисодий луғатлар ва энциклопедияларда, банк қонунчилегида, “Пул, кредит ва банклар”, “Марказий банк фаолиятини ташкил этиш” курслари бүйича дарсликларда бу атама умуман талқин қилинмаган.

Холоса қилиб айтганда, банк рискларини мониторинг қилиш - бу назоратнинг функционал шакли ҳисобланади (амалда уйланаңдиган индикатор параметрлари таржимонидан фойдаланған ҳолда банк рискларининг ҳолатини мониторинг қилиш, баҳолаш ва прогноз қилиш учун узлуксиз диагностика жараёни күринишидаги рискларни бошқаришни англатади) ҳамда молиявий фаолиятнинг ижтимоий ахамиятга молик соҳаларда рискларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши таҳдидларига қарши қурашиб тизимини (зарур назорат муҳитини сақлаш ҳамда рискларни ва уларнинг оқибатларини минималлаштиришга қаратылған тизим), шунингдек, банк тизими бошқарувининг барча даражаларida мустақил фаолият шаклини (тижорат банклари, уларнинг мутахассислари ва ихтисослаштирилған бўлинмаларининг маҳсус воситалар ва услубий техникалардан фойдаланған ҳолда ташкил этилган фаолият шакли) ҳосил қиласди.

Тадқиқот методологияси. Мазкур илмий тадқиқот ишида банк рискларини мониторинг қилишни вербал шарҳлаш, статистик кузатувларни олиб бориш ва уларни динамик ўзгаришини таҳлил қилиш, индукция ва дедукция каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги кунда молиявий институттар, жумладан тиҷорат банклари фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлашда биринчи навбатда рискларни таҳлил қилиш, рисклар мониторинги натижаларига кўра ушбу рискларни тизимлаштириш ва уларни

келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда молиявий тизим маълум бир вақтда инқирозга дуч келиш ҳолатлари кузатилмоқда. Аммо, «ҳатто инқироз бўлмаган тақдирда ҳам, сўнгги 20 йил ичида кредитларнинг фавқулодда ўсиши, ишламайдиган кредитларнинг (nonperforming loans (NPLs)) кўпайишига олиб келди. Бу иқтисодиётни хавф остига қўйиши мумкин. Муаммо ҳал этилмаса, муаммоли активлар ўсиши, ҳатто критик даражаларга етиб бориши мумкин, ўз навбатида, иқтисодий ўсиш суръатларини пасайтириши ва ишсизликни кучайтириши мумкин». Жаҳон банки маълумотларига кўра «муаммоли активлар 2019 йилда Россия Федератсиясида 9,3 фоиз, АҚШда 0,9 фоиз, Туркияда 5 фоиз, Буюк Британияда 1,1 фоиз, Германияда 1,3 фоиз, Хитойда 1,9 фоиз, Қозогистонда 9,5 фоиз, Украинада 48,4 фоизни ташкил этмоқда». Бу маълумотлардан кўриниб турибдики дунёда бугунги кунда банк тизимида муаммоли активларни ҳисобга олиш ва уни аудити алоҳида аҳамият касб этади ва долзарб масалалардан ҳисобланади [7].

Банкда рискларни бошқариш ва мониторинг қилишнинг мақсади қонунчилек талабларига, банк акциядорлари ва инвесторларнинг кутган талабларига мувофиқ, рискларни онгли равишида қабул қилиш ва банк фаолияти давомида юзага келадиган рискларни бартараф этиш учун тегишли шарт-шароитларни яратиш сифатида белгиланади. Банк ўзаро боғлиқ бўлган босқичлардан иборат риск-аппетити кўрсаткичларини аниқлаш ва муҳокама қилиш, риск профили кўрсаткичлари, рискларини камайтириш бўйича қарорлар қабул қилиш тузилмаси бўйича рискаппетитини бошқариш тадбирларини кетма-кет равишида амалга оширади [8].

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тиҷорат банклари томонидан муҳим ҳисобланган ликвидлилк рискини бошқариш ва уни мониторинг қилинг қўйидаги элементлардан иборат ҳисобланади (1-расм).

Ликвидлилкни самарали бошқариш элементлари

Операцион ликвидликни бошқариш

Фавқулодда ликвидликни бошқариш

1-расм. Тиҷорат банкларида ликвидлилк рискини самарали бошқариш ва мониторинг қилиш элементлари

Манба: муаллиф томонидан тадқиқотлар натижасида тузилган.

Операцион ликвидликни бошқариш доимий равища, банкнинг маблағга жорий ва келгусида кутилаётган талабини баҳолаш ва керак бўлган вақтда шу талабларни қондириш учун етарли миқдорда пул маблағлари ёки шундай маблағларни қўлга киритиш мумкинлигини таъминлаш чораларини кўриш.

Фавқулодда ликвидликни бошқариш кундалик операцияларда юз бериши мумкин бўлган кам эҳтимолли ва юқори таъсирили ҳодисалар бошлаб, кам учрасада банкнинг хавфсизлиги ва бардошлилигини сезиларли даражада камайтириши мумкин бўлган, юқори эҳтимолли ва кам таъсирили ҳодисалар юз бериши натижасида туғиладиган кутилмаган пул оқими талаб-

ларини қондириш учун етарлича "ёстиқ" яратиш.

Албатта юқоридаги тузилма умумий стандарт кўринишга эга ҳисобланмайди. Ҳар бир тижорат банки ўзининг рискларини бошқариш ва уни мониторинг қилишга ўзига хос ёндашувларни қўллади. Жумладан, ҳар бир тижорат банки риск (таваккалчилик)ларни бошқариш ва уни мониторинг қилиш бўйича стратегия ва сиёсатларни қайта кўриб чиқиб, трансформацион жараёнларни ҳисобга олган ҳолда ликвидлик, Операцион ва бозор каби рискларини бошқариш сиёсатларини ишлаб чиқади ва уни амалга оширилади (2-расм).



Таваккалчилкларни асосий турлари:

- кредит таваккалчиллиги;
- ликвидлилик таваккалчиллиги;
- фойз таваккалчиллиги;
- валюта таваккалчиллиги;
- операцион таваккалчиллик;
- обрў-эътиборни йўқотиш таваккалчиллиги.

Таваккалчилкларни бошқариш қўйидаги инструментлар орқали бошқарилади:

- Стресс-тест таҳлили;
- GAP таҳлил;
- SWOT таҳлил;
- VaR баҳолаш;
- Коэффициентлар таҳлили;
- Турли статистик моделлар.

2-расм. Банқда риск (таваккалчиллик)ларини бошқариш тизими

Манба: "Агробанк" АТБнинг 2019-2021 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясидан https://agrobank.uz/upload_files/documentation_file/5fda25e6c22be.pdf

Бунда қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади:

1) банкнинг ликвидлик позицияларини ягона услуг асосида мунтазам равища стресс-тестдан ўтказиб бориш орқали банкнинг молиявий ҳолатини пасайишига таъсири кўрсатувчи омилларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўриб бориш;

2) SWOT, GAP таҳлиллардан кенг фойдаланиш, капитал етарлилигига бўлган талабларни кучайтиришни, кутилаётган йўқотишлар модели асосида эҳтимолий йўқотишларга захираларни шакллантиришни кўзда тутувчи Базель қўмитасининг янги тавсияларини татбиқ этиш.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда тижорат банклари фаолиятида рискларни мониторинг қилиш натижаларига кўра, улар томонидан турли хилдаги рискларга дуч келиш

ни қўйида тартибда экспер特 баҳолаш мумкин. Бунда жалб этилган эксперталарга бир қанча рискларни юзага келиш ва аҳамиятлигининг даражасига кўра "юзага келиш эҳтимоли", "етказилиши мумкин бўлган зарар миқдори", "бартараф этиш даражаси" каби тоифаларда баҳолаш мумкин.

Қўйида келтирилган, тижорат банклари фаолиятида юзага келувчи рискларнинг аҳамиятлилик даражасини экспер特 баҳолаш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда тижорат банклари фаолиятида кредит рисклари, Операцион ресклар, валюта рисклари билан боғлиқ бўлган молиявий фаолият натижасида содир бўладиган рисклар юқори аҳамиятга эга, деб ҳисобланади. Шунингдек, экспер特 баҳолаш натижалари ликвидлилик рискини ўртада даражали риск сифатида кўрсатмоқда (1-жадвал).

Тижорат банклари фаолиятида юзасга келувчи рискларнинг аҳамиятлилик даражасини эксперт баҳолаш натижалари

Эксперт баҳолаш тоифалари	Риск турлари						
	Кредит риски	Операцион риск	Ликвиддлик риски	Валюта операциялари риски	Сиёсий рисклар	Конунчиллик рисклари	Имизж ва рейтинг бўйича рисклар
Юзага келиш эҳтимоллiği	95	90	60	88	75	60	65
Етказилиши мумкин бўлган зарар миқдори	95	80	75	90	95	65	80
Бартараф этиш даражаси (имконияти)	65	60	75	60	50	50	85
Жами ўртача вазни	255	230	210	238	220	175	230
	1548 (умумий вазн)						
Жами ўртача вазни (100%):	16,4	14,8	13,5	15,3	14,1	11,2	14,8
Юқори аҳамиятли (80-100 балл), (14-20%)	+	+		+	+		+
Ўрта аҳамиятли (59-79 балл), (12-13,9%)			+				
Паст аҳамиятли (1-59 балл), (0,1-11,9%)							+

Манба: тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Тижорат банклари фаолиятида юзасга келувчи рискларнинг аҳамиятлилик даражасини эксперт баҳолаш натижалари бўйича юқори аҳамиятли бўлган кредит рисклари буғунги кунда Ўзбекистон тижорат банклари фаолиятида асосий муаммолардан бири десак тўғри бўлади.

2017-2021 йилларда тижорат банклари томонидан ажратилган жами кредитлар ва муаммоли кредитларнинг таҳлили кўрсатмоқдаки, 2017 йилда тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридиклар шахслар учун жами 110 698,8 млрд сўм, 2018 йилда 167 400 млрд сўм, 2019 йилда 211 580,5 млрд сўм, 2020 йилда 270 716,5 млрд сўм, 2021 йилда 326 386,60 млрд сўмдан ортиқ кредитлар ажратилган. Яъни 2021 йилда

ажратилган кредитлар 2017 йилга нисбатан деярли 3 баробарга ўсган.

Ўз навбатида, мазкур ажратилган кредитлар ҳажмида муаммоли кредитларнинг ҳам ўсиб борганлиги мазкур молиявий фаолиятдаги кредит рискининг ошишига ҳам сабаб бўлади. Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари ҳажми 2017 йилда умумий ажратилган кредитлар ҳажмида 1,2 фоизни ташкил этиб, 1 320 млрд. сўмдан иборат бўлган бўлса, мазкур кўрсаткич 2020 йилга келиб сезиларли ўсган. Яъни, тижорат банклари томонидан ажратилган жами кредитларнинг 2,4 фоизи муаммоли кредитлар сифатида қайд этилган (3-расм).



3-расм. Тижорат банклари томонидан ажратилган ва муаммоли кредитлари тўғрисида маълумот

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Шунингдек, 2021 йилда ушбу кўрсаткич 44 фоизга ортиб, умумий ажратилган кредитлар таркибида тижорат банкларининг жами муаммоли кредитлари 16 974 млрд сўмдан ортиб кетган. Ушбу ҳолатни ажратилган кредитлар миқдорининг 2021 йилда 2017 йилга нисбатан 94 фоизга ўғсанлиги, қолверса ажратилган

кредитларнинг давлат мақсадли дастурлари ва соҳалари учун “етарли таъминот ва мақсадсиз” ажратилганлиги билан изоҳлаш ўринидир. Бу борада, муаммоли кредитларнинг асосий улуши давлат тижорат банклари ҳиссасига тўғри келиши мазкур фикрларни исботлайди (4-расм).



4-расм. Тижорат банклари муаммоли кредитлари тарикбида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банклари улуши тўғрисида маълумот

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Юқоридаги 2017-2021 йилларда тижорат банклари муаммоли кредитлари тарикбида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банлари ҳиссасига тўғри келадиган муаммоли кредитларнинг ҳажмини таҳлил қилиш натижалари далолат беради, муаммоли кредитларнинг институционал таркибида асосий улушни давлат тижорат банклари эгаллаган. Яъни, 2017 йилда тижорат банкларининг умумий муаммоли кредитлари ҳажмида 75,9 фоиз муаммоли кредитлар давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларига тегишли бўлган. Мазкур кўрсаткич 2018 йилда 78,4 фоизни, 2019 йилда 88,6 фоизни, 2020 йилда 90,4 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич фоиз ҳисобида 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 1,7 фоизни камайган.

Мазкур таҳлилий маълумотларни тижорат банклари кесимида таҳлил қилиш орқали муаммоли кредитлар ҳажмида қайси тижорат банкининг улуши қанча эканлиги ҳамда муаммоли кредитлар билан ишлаш ҳолатини аниқлаш мумкин (2-жадвал).

2022 йил 1 январь ҳолатига тижорат банкларининг муаммоли кредитлари ҳажми 16 974 млрд сўмни ташкил этган. Муаммоли кредитларнинг банклар кесимида таҳлиллари кўрсатадики, муаммоли кредитларнинг жами ўз кредит портфелидаги улусида Халқ банки (19,7%), Микрокредитбанк (5,9%), Ўзагроэкспортбанк (55,5%) етакчилик қилиб келмоқда. Шунингдек,

тадқиқот обьекти ҳисобланган Ўзсаноатқурилиш-банкнинг 2021 йил 1 январь ҳолатига жами кредит портфели 43 148 млрд сўмни ташкил этиб, шундан 3,8 фоизи ёки 1 630 млрд сўми муаммоли кредитлар ҳисобланади.

Давлат улуши мавжуд бўлган банклардан бири бўлган Ўзсаноатқурилишбанкнинг қуйида жами автиклири ва ушбу активларнинг рискка тртилганлик даржасини таҳлил қилиш орқали мазкур тижорат банкининг кредит риски мониторингини амалга ошириш фаолиятини таҳлил қилиш мумкин.


Тадқиқот обьекти бўлган Ўзсаноатқурилишбанк 2017-2021 йилларда жами активларнинг риска тортилганлик даражаси таҳлил шуни кўрсатадики, 2017 йилди банкнинг фаолиятида риск мониторингини амалга ошириш чоғида жами банк автикларининг 57 фоизидан ортиқ қисми рискка тортилган қисмни ташкил этган бўлса, 2018 йилда ушбу кўрсаткич 66,6 фоизни ташкил этган (5-расм).

Шунингдек, банк автикларининг рискка тортилганлик даражаси 2019 йилда 83,3 фоиз, 2020 йилда 85,6 фоиз, 2021 йилда 88,3 фоизни ташкил этган. 2021 йилда активларнинг рискка тортилганлик даражаси 30,9 фоизга ошган. Мазкур кўрсаткичнинг ортиб бориши, ўз навбатида, кредит рискини ортиб бораётгандигини англатади.

Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (NPL), 2022 йил 1 январь ҳолатига
млрд сўм.

№	Банк номи	Кредит портфель	Муаммоли кредитлар (NPL)	Муаммоли кредитларнинг жами ўз кредит портфелидаги улуси, %
	Жами	326 386	16 974	5,2%
	Давлат улуси мавжуд банклар	280 074	15 069	5,4%
1.	Ўзмиллийбанк	74 033	3 305	4,5%
2.	Ўзсаноатқурилишбанк	43 148	1 630	3,8%
3.	Асака банк	37 685	1 819	4,8%
4.	Агробанк	32 258	1 495	4,6%
5.	Ипотека банк	29 046	972	3,3%
6.	Халқ банки	19 596	3 857	19,7%
7.	Қишлоқ қурилиш банк	17 496	749	4,3%
8.	Микрокредитбанк	10 816	642	5,9%
9.	Турон банк	8 129	266	3,3%
10.	Алоқа банк	7 754	314	4,1%
11.	Пойтахт банк	80	2	2,2%
12.	Ўзагроэкспортбанк	30	17	55,5%
	Бошқа банклар	46 312	1 905	4,1%
13.	Ҳамкор банк	9 334	105	1,1%
14.	Капитал банк	8 030	235	2,9%
15.	Ипак йўли банк	6 422	223	3,5%
16.	Инвест Финанс банк	3 774	57	1,5%
17.	Ориент Финанс банк	3 627	29	0,8%
18.	Траст банк	2 744	51	1,8%
19.	Давр банк	2 157	22	1,0%
20.	Asia Alians банк	1 903	144	7,6%
21.	Tenge банк	1 725	121	7,0%
22.	KDB банк	1 557	0	0,0%
23.	Савдогар банк	859	90	10,5%
24.	Зираат банк	858	21	2,5%
25.	Универсал банк	767	6	0,8%
26.	Туркистон банк	686	480	69,9%
27.	Анор банк	612	6	0,9%
28.	Равнақ банк	567	132	23,2%
29.	TBC банк	345	17	4,8%
30.	Мадад инвест банк	169	20	11,8%
31.	Hi-Tech банк	160	148	92,7%
32.	Soderot Iran банк	14	0,1	0,6%
33.	Apelsin банк	0,0	0,0	0,0%

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



5-расм. "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ жами активларининг рискка тортилганлик даражаси
Манба: Ўзсаноатқурилишбанк маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёланган.

Шу билан бирга, активларнинг рискка тортилганлик даражасини ҳисоблаш ҳам банк рискларини мониторинг қилишнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади.

Хуоса ва таклифлар. Мазкур тадқиқот обьекти “Ўзсаноатқурилиш” АТБ банк рискларини мониторинг қилишдаги асосий муаммоларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш давомида банк рискларидан ҳисобланган операцион рисклар натижасида келиб чиқадиган кутилмаган йўқотишларни қоплаш учун банк капиталини баҳолашда Advanced Measurement Approaches илфор ёндашув усули ишлаб чиқиши таклиф этилган. Таклиф 2021 йил 20 декабрдаги 152/6-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанқда рискларни бошқариш ишларини ташкил этиш бўйича Йўриқнома”да ўз аксини топган. Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида банк рискларини мониторинг қилишда операцион рискларни баҳолаш мезони илфор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштирилган.

Advanced Measurement Approaches – Кенгайтирилган ўлчаш ёндашуви (AMA) банк ёки

бошқа молия институти томонидан Базел II доирасида қўлланилиши мумкин бўлган учта муҳим бўлган операцион риск усулларидан биридир. Бининчи ёндашув – банкнинг асосий кўрсаткичларини таҳлил қилиш ёндашуви ва иккинчи ёндашув стандартлаштирилган ёндашув. AMA доирасида банкларга операцион риск учун зарур бўлган капитал миқдорини аниқлаш учун ўзларининг эмпирик моделини ишлаб чиқишига рухсат берилади. Банклар ушбу ёндашувдан фақат маҳаллий тартибга солиш органларининг розилиги билан фойдаланишлари мумкин.

Юқоридагилар асосида айтиш мумкинки, тижорат банклари фаолиятида рискларни таҳлил қилиб бориш ва мониторингини юритиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги қунда тижорат банклари томонидан ажратилган умумий кредитлар миқдорида давлат улуши мавжуд тижорат банкларининг ҳиссаси юқаори эканлиги мазкур банклар фаолиятида рискларни мониторинг қилиб бориш ва мониторинг натижалари асосида мазкур рискларни камайтириш борасида кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш лозим.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Organisation for Economic Co-operation and Development (OECD) <https://www.oecd.org/daf/fin/financial-markets/COVID-19-crisis-and-banking-system-resilience.pdf>
2. Мирзаев Ф.И. Молия бозори операциялари рискларини баҳолаш усуллари (қимматли қоғозлар бозори мисолида): и.ф.н ... автoreферат. – Т.: БМА, 2002. – 22 б.;
3. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш: и.ф.д ... автoreферат. – Т.: БМА, 2000. – 46 б.;
4. Каримов Н.Ф. Риски и проблемы формирования прибыли коммерческих банков: автoreферат ... к.э.н. – Т.: БФА, 1998. – 23 с.;
5. Осипенко Т.В. Система управления рисками и План ОНиВД // Деньги и кредит. №9. 2009. С.23.
6. Банковские риски: учеб. пособие / под ред. О.И. Лаврушина, Н.И. Валенцевой. – М.: Кнорус, 2010. С.27.
7. Тошуплатов Д. Тижорат банкларида муаммоли активлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. 08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автoreферати. – Тошкент, 2021 йил.
8. Тошуплатов Д. Банк рискларини risk аппетити ва risk профили орқали баҳолаш ҳамда бошқариш. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnalı. № 4, iyul-avgust, 2021-yil. 13-б.
9. “Агробанк” АТБнинг 2019-2021 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясидан https://agrobank.uz/upload_files/documentation_file/5fda25e6c22be.pdf
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки расмий маълумотлари: cbu.uz/oz/statistics/bankstats/588211/ Ўзсаноатқурилишбанк маълумотлари.